

“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди



Қонунга кўра, кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестри бу —кредит битими тузиши тақиқланган жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ва кредит бюrolари томонидан юритиладиган ягона маълумотлар базасидир.

Марказий банк бундай шахсларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган реестрини кредит бюrolари томонидан юритилиш тартибини белгилайди.

Шунингдек, кредит бюроси устав фонди (устав капитали) нинг энг кам миқдори 2 миллиард сўмни ташкил этиши кераклиги белгиланди.

Кредит бюrolарига нисбатан Марказий банк қуйидаги қоидабузарликлар содир этилганлиги учун чоралар ва санксияларни қўллайди:

кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги ва кредит бюrolари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларига риоя этмаганлик;

кредит бюrolари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузганлик;

лицензия қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Марказий банк мазкур қоидабузарликларни бартараф этиш учун мажбурий кўрсатмалар юбориш ҳамда БҲМнинг 5 минг бараваригача миқдорда жарима қўллашга ҳақли.

Бундан ташқари, жисмоний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битими расмийлаштирилишининг олдини олиш учун ўзи билан кредит битимини тузишни кредит бюросига ариза киритиш орқали тақиқлаши мумкин.

Кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки бундай тақиқни олиб ташлаш ихтиёрий амалга оширилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлари суди судяси Б.Санаев